

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ГОФУРОВ ДОСТОН БОХРОМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ВА КОРПОРАТИВ ХАРИДЛАР
ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

УЎК: 339.186-048.35(575.1)
339.3-048.35(575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on economic
sciences**

Гофуров Достон Бохромович

Ўзбекистонда давлат ва корпоратив харидлар жараёнини
такомиллаштириш.....3

Гофуров Достон Бохромович

Совершенствование процесса государственных и корпоративных закупок в
Узбекистане.....27

Gofurov Doston Baxromovich

Improving the process of public and corporate procurement in Uzbekistan.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....53

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ГОФУРОВ ДОСТОН БОХРОМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ВА КОРПОРАТИВ ХАРИДЛАР
ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Iqt579 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Пўлатов Дилшод Ҳақбердиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жумаев Нодир Ҳосиятович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Исламкулов Алимназар Худжамуратович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.17.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “ ____ ” _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60а-уй. Тел.: (71) 234-53-34; факс: (71) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мукин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60а-уй. Тел.: (71) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2020 йил “ ____ ” _____ - куни тарқатилди.
(2020 йил “ ____ ” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Б.Э.Ташмурадова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси и.ф.д.,
профессор

С.У.Мехмонов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби и.ф.д.,
профессор

Ж.И.Каримқулов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси и.ф.д.,
доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида бугунги кунда кескин рақобат муҳити, инновацион тараққиёт, молиявий технологиялар қўлланиши доирасининг кенгайиб бориши натижасида давлат ва корпоратив харидларни амалга ошириш юзасидан харидларни самарали ташкил этиш бўйича илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Халқаро молия ташкилотлари, рейтинг агентликлари ҳам давлат ва корпоратив харидларни самарали ташкил қилиш ва бошқариш масалаларига доир изланишлар натижаларини эълон қилиб келмоқда. Масалан, Европанинг ривожланган мамлакатларида давлат харидлари мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 15-20 фоизини ташкил этади. Тадқиқотларда давлат ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган давлат ва корпоратив харидларнинг самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш масалалари кенг ёритилган. Лекин давлат ва корпоратив харидларни самарали ташкил этиш орқали бюджет маблағларини иқтисод қилишга эришиш масалалари етарлича очиб берилмаган. Бу эса, ўз навбатида, халқаро миқёсда, мунтазам равишда бюджет маблағларини юқори натижадорлик асосида бошқариш борасида илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Жаҳон амалиётида давлат ва корпоратив харидлар бўйича бир қатор тадқиқотлар амалга оширилгани ҳолда уларда ривожланган мамлакатларда бўлгани каби ривожланаётган мамлакатларда ҳам давлат харидларини самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган. Тадқиқотлар давлат харидларини тўғри ва самарали ташкил этиш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун рақобатбардош бозорни таъминлашга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда амалга оширилаётган тадқиқотларда давлат ва корпоратив харидлар жараёнида учраётган муаммоларни ўрганиш ҳамда уларни ҳал этишга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларнинг ишлаб чиқилмаганлиги мазкур йўналишда чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо қилмоқда. Давлат ва корпоратив харидлар тизимни янада ислоҳ қилиш, инновацион технологиялар ва илғор хориж тажрибаларини жорий этиш орқали давлат харидлари самарадорлигини оширишга қаратилган масалалар тадқиқот ишининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда бюджет-солиқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан қатъий назорат ўрнатиш ва уни кучайтириш, бу жараённинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасидаги муҳим масалалардан бирига айланди. Хусусан, бюджет маблағларидан фойдаланиш жараёнида юзага келаётган турли хил ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, ўз навбатида, "...бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш зарур, бюджет ҳисобидан маблағ ажратиладиган ҳар қандай дастур ёки лойиҳанинг сифат ва миқдор кўрсаткичларидан иборат, натижага йўналтирилган индикаторлари

бўлиши кераклиги”¹ алоҳида таъкидланган. Давлат ва корпоратив харидлар жараёнини бугунги кун талабларига мос равишда такомиллаштириб бориш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3237-сонли “Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидларини амалга оширишнинг замонавий шакл ва услубларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2018 йил 9 апрелдаги ЎРҚ-472-сонли Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни, 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сонли Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 декабрдаги ПҚ-4544-сонли “Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантиришнинг устувор йўналишлари” доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Давлат харидларининг моҳияти ва иқтисодий аҳамияти, шунингдек, ушбу тизимни такомиллаштириш масалалари бўйича қатор хорижий ва маҳаллий олимлар тадқиқотлар олиб боришган. Мазкур масала хорижлик иқтисодчи олимлар: Н.Дмитри, И.Смотрицкая, Н.Зосимов, А.И.Миняйло, А.Захаров, Л.Андреева, М.Фогилев, О.Падалка, Ю.Фиц, Е. Абрамова, Б. Ткаченко, И.Г. Рзун, В.В. Рзун, Ф.З. Семенова, М.Б. Борлакова, Л.С. Боташеваларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган².

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/>. 28.12.2018 й.

² Дмитри Н. Руководство по закупкам: учеб. пособие / Нац. исслед. ин-т “Высшая школа экономики”. – М.:Изд.дом Высшей школы экономики; 2013. –С 312. Смотрицкая И. Экономика государственных закупок – М.: Книжный дом “ЛИБРОКОМ” 2009; Зосимов Н. Электронные торги дали новый вектор российскому бизнесу // 2011 г. [url:http://ca.skbkontur.ru](http://ca.skbkontur.ru); Миняйло И., Шамрин Т. Анализ функционирования системы государственных закупок и разработка предложений по ее совершенствованию // 2009 г. www.hse.ru/org/persons; Захаров А. Международные конкурсные торги: учеб, пособие // М.: Изд. МГИМО, 2011. –С 113. Андреева Л. Закупки товаров для федеральных государственных нужд: правовое регулирование // .:Волтер Клувер, 2009 г.– С41. Фогилев М. Как будет развиваться рынок электронных торговых площадок // 2012 г. <http://ubr.ua/business-practice/own-business.htm>; Падалка О. Мировой опыт проведения государственных закупок в электронной форме // 2012. [url:http://aeaep.com.ua/](http://aeaep.com.ua/); Фиц Ю. Совершенствование управления государственными закупками в Украине, Региональная экономика и управление №1 // (33), 2013. -С31. Абрамова Е., Ткаченко Б. Государственные закупки: направления развития. Обзор международных практик и анализ ситуации в Российской Федерации // – Москва: Сектор, 2015 г. – 11 с. Рзун И.Г., Рзун В.В. Зарубежный опыт проведения государственных закупок услуг строительства // Научные труды Куб ГТУ, 2015 г. № 9. -С8-10. Семенова Ф.З, Борлакова М.Б, Боташева Л.С. Зарубежный опыт осуществления государственных закупок” // Фундаментальные исследования, 2016 г. № 6. С. 465-469.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Т.С.Маликов Д.Х.Пулатов, У.А.Бурхонов, Б.И.Нурмухамедова, З.Х.Срожиддинова, А.К.Ибрагимов, Н.Х.Ҳайдаров, С.У.Умурзаковларнинг илмий ишларида давлат молиясини бошқариш ва бюджет маблағларини назорат қилиш, шунингдек, давлат ва корпоратив харидларни такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган³.

Хусусан, давлат ва корпоратив харидларнинг иқтисодий моҳияти, давлат харидлари тизими ва харидларни амалга ошириш механизми, шунингдек, ушбу жараёни бошқариш ва мониторинг қилиш юзасидан иқтисодчи олимлар Д.Пулатов, У.Бурханов, Т.Атамуратов, Б.Нурмухамедова, С.Умурзаковлар чуқур илмий изланишлар олиб боришган.

Мазкур изланиш ва тадқиқотлар диссертация мавзусининг илмий-тадқиқот манбаи ҳисобланади. Ушбу илмий тадқиқотларда мамлакатимиз ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда давлат ва корпоратив харидларни амалга оширишда юзага келаётган муаммолар ва уларнинг сабаблари чуқур ўрганилмаганлиги мазкур тадқиқот мавзусининг танланишига асос бўлди. Шу боисдан, замонавий шароитда давлат ва корпоратив харидлар амалиётидаги муаммоларни аниқлаш, хорижий мамлакатлар амалиётининг устувор томонларини қиёсий таҳлил қилиш, илғор хорижий тажрибаларни Ўзбекистон амалиётида қўллаш юзасидан аниқ механизм ва ёндашувларни ишлаб чиқиш назарда тутилганлиги ушбу тадқиқотнинг ўзига хос устувор аҳамиятини кўрсатади.

Ушбу долзарб масалаларнинг ҳал этилиши диссертация мавзусини танлаш, унинг мақсади ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент молия институтининг “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзуидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистонда давлат ва корпоратив харидлар жараёнини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

давлат ва корпоратив харидлар жараёнини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ қилиш;

³ Маликов Т.С.. Молия. Ўқув қўлланма. -Т.: Иқтисод-молия 2018. 169 б; Пулатов Д.Х. Давлат харидларида хусусий секторнинг ҳамкорлиги. // Жамият ва бошқарув // Тошкент, 2018 йил. 1-сон, 102-б; Бурхонов У.А. Давлат хариди. Ўқув қўлланма, -Тошкент; Infocom.uz 2010. -10 б; Пулатов Д.Х., Нурмухамедова Б.И. Ҳазначилик. Ўқув қўлланма. -Т.: “Sano-standart”, 2014. 272 б; Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими. -Т.: “infocom.uz”. 2010. 480 б; Ибрагимов А.К., Сугирбаев Б.Б. Бюджет назорати ва аудити. Ўқув қўлланма. -Т.: “infocom.uz”. 2009. 192 б; Ҳайдаров Н.Х., Давлат молиясини бошқариш. -Т.: Академия, 2005 й; Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Давлат бюджети даромадлари. Ўқув-услубий қўлланма. -Т.: Иқтисодиёт, 2014; Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Х. Давлат молияси. Тошкент молия институти. -Т.: Иқтисод-Молия, 2014 й; Умурзаков С.У. Ҳазначилик органларининг интеграллашган ахборот тизимлари фаолиятини оптимал ташкил қилиш жараёнларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. 20-бет.

давлат ва корпоратив харидлар жараёнини тартибга солишнинг норматив-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш;

давлат ва корпоратив харидлар жараёнини такомиллаштириш бўйича илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва ушбу тажрибалардан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларини асослаш;

давлат ва корпоратив харидларни амалга оширишнинг жорий ҳолатини тадқиқ этиш;

давлат ва корпоратив харидлар жараёнини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш;

давлат харидлари тизимига кичик бизнес субъектларини янада кенг жалб қилишга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат ва корпоратив харидлар жараёнини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржасининг давлат ва корпоратив харидлари соҳасидаги фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети давлат ва корпоратив харидларни амалга оширишни такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гуруҳлаш, таркибий, қиёсий, омилли таҳлил ва молиявий коэффицентлар усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

давлат харидлари жараёнида буюртмачилар томонидан тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали харид қилинадиган товар (иш, хизмат)лар рўйхатини шакллантириш таклиф этилган;

давлат ва корпоратив харидлар бўйича тузилган шартномани иштирокчи томонлардан бирининг ташаббуси ва иккинчи тарафнинг розилиги билан бекор қилиш имкониятини яратиш таклиф этилган;

электрон дўконда офертани (товар, иш ва хизматлар бўйича таклифи) жойлаштирган иштирокчига нарх-сўров механизмида иштирок этиш имкониятини яратиш таклиф қилинган;

аукцион ва танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълонларни жойлаштириш муддатини аукцион бўйича 5 кун, танлов бўйича 10 кун этиб белгилаш орқали ушбу савдоларнинг муддатларини мувофиқлаштириш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

бюджет буюртмачиларига электрон дўкон (www.shop.uzex.uz)дан харидларни амалга ошириш учун берилган йиллик лимит суммасини ҳисоблагич кўринишида буюртмачининг шахсий кабинетига акс эттирилиши таклиф этилган;

давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан фойдаланишнинг автоматлаштирилган механизмини такомиллаштириш таклиф этилган;

давлат харидлари жараёнида, давлат буюртмачилари ва харид иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини қўллаб-қувватлаш тартибини такомиллаштириш таклиф этилган;

давлат ташкилотларининг захира фондлари ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга ошириладиган давлат харидларини такомиллаштириш таклиф этилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотчиларнинг давлат ва корпоратив харидлар жараёнини такомиллаштиришга қаратилган, назарий ва амалий муаммоларга бағишланган илмий қарашларини ўрганиш, соҳадаги хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини тадқиқ этиш, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистонда давлат ва корпоратив харидлар жараёнини такомиллаштириш юзасидан илмий қарашларни бойитиши билан белгиланади. Улардан давлат ва корпоратив харидлар жараёнини такомиллаштиришнинг усул ва моделларини ишлаб чиқишда, шунингдек, бу борада амалга оширилаётган тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни республикада амалга оширилаётган давлат ва корпоратив харидларни янада такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда давлат ва корпоратив харидлар жараёнини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали харид қилинадиган товар (иш, хизмат)лар рўйхатини шакллантириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ““Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3953-сонли Қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 25 ноябрдаги 06/04-02-01-34/3646-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф натижасида нархлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий белгиланган товар (иш, хизмат)ларни тўғридан-тўғри шартномалар асосида харид қилинишига эришилган. Шунингдек, давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товар (иш, хизмат)лар рўйхатига мувофиқ амалга оширилган харидлар натижаларини, шартнома тузилган санадан бошлаб, 3 кун ичида давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталига жойлаштирилиши белгиланди;

иштирокчи томонлардан бирининг ташаббуси ва иккинчи тараф розилик бериши билан шартномаларни шахсий кабинет орқали бекор қилиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси “Товар хом-ашё биржаси” АЖ томонидан амалиётга жорий этилган (“ЎРТХБ” АЖнинг 2019 йил 17 октябрдаги 03-11/2852-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида шартномаларни шахсий кабинет орқали бекор қилиш

ҳамда иштирокчиларнинг закат маблағларини ўз вақтида ва тўлиқ қайтариш имконияти яратилган;

аукцион ва танлов савдолари тўғрисидаги эълонларни жойлаштириш муддатини мувофиқлаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ““Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3953-сонли Қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 25-ноябрдаги 06/04-02-01-34/3646-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида аукцион савдолари тўғрисидаги эълонларни жойлаштириш муддати 10 кундан 5 кунга, танлов савдолари тўғрисидаги эълонларни жойлаштириш муддати 30 кундан 10 кунга туширилган;

электрон дўконда буюртмачи танлаган (товар, иш ва хизматлар бўйича таклифи) офертани жойлаштирган иштирокчига нарх-сўров механизмида иштирок этиш имкониятини яратиш таклифи Ўзбекистон Республикаси “Товар хом-ашё биржаси” АЖ томонидан амалиётга жорий этилган (“ЎРТХБ” АЖнинг 2019 йилнинг 17 октябрдаги 03-11/2852-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф амалиётга жорий қилинганидан сўнг офертанга товар (иш ва хизмат)лар нархини бошланғич нархидан ҳам пастроқ таклиф қила олиши имконияти яратилган, натижада, ҳалол рақобат муҳитини яратишга ҳамда бюджет маблағлари янада кўпроқ тежаб қолинишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та, жумладан 7 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, шундан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркиби кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 121 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, миллий иқтисодиёт ривожланишининг устувор йўналишларига монандлиги аниқланган. Шунингдек, киришда тадқиқот ишининг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён этилган, натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар сони ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертация ишининг **“Давлат ва корпоратив харидларни ташкил қилишнинг назарий-ҳуқуқий асослари”** номли биринчи бобида “давлат ва корпоратив харидлар” тушунчаси моҳияти, зарурати ва аҳамияти назарий жиҳатдан ўрганилган, давлат ва корпоратив харидларнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, шунингдек, давлат ва корпоратив харидларни ташкил этишнинг илғор хориж тажрибасини қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилган.

Сўнги йилларда мамлакатимизда давлат ва корпоратив харидлар жараёнини такомиллаштириш юзасидан бир қатор ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Давлат ва корпоратив харидлар тизимида давлат сиёсатининг асосий мақсади давлат харидларининг барча субъектлари учун қулай бўлган муҳитни шакллантириш, шунингдек, давлат харидларини амалга ошираётган вақтда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ҳисобланади.

Давлат харидлари соҳаси ҳар бир давлат иқтисодиётининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш” каби бир қатор муҳим вазифалар белгиланган⁴. Амалга оширилаётган ислохотларда белгиланган вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш учун давлат харидлари тизимини такомиллаштириш ва давлат харидларини ташкил этишда замонавий механизмни жорий қилиш муҳим ўрин тутади.

Шундай экан, давлат ва корпоратив харидларнинг назарий жиҳатларини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш орқали давлат секторининг товар (иш, хизмат)ларга бўлган эҳтиёжини ўз вақтида ва мақбул нархларда, арзон ҳамда сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш масаласи доимо долзарб вазифалардан бири бўлиб қолади.

“Давлат ва корпоратив харидлар” тушунчасининг моҳиятига иқтисодчи олимларнинг турлича ёндашувлари мавжуд. Хусусан, маҳаллий иқтисодчи олим У.Бурхонов томонидан давлат харидларига қуйидагича таъриф берилган:

давлат харидлари – бу “давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. Lex.uz

товарлар, бажариладиган ишлар ва кўрсатилган хизматларни, яъни давлат хариди давлат эҳтиёжлари учун товар (иш, хизмат)ларни қисман ёки тўлиқ давлат маблағлари эвазига сотиб олиншидир”⁵.


Россия Федерациясининг “Давлат ва муниципал эҳтиёжлар учун товар (иш, хизмат)ларни харид қилишнинг шартномавий тизими тўғрисида”ги Қонунида:

давлат хариди - буюртмачи томонидан давлат ва муниципал эҳтиёжларни қондириш учун товар (иш, хизмат)ларни сотиб олишни Федерал қонун билан белгиланган тартибда амалга ошириладиган ҳаракатлардир,⁶ деган таъриф берилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунида эса:

давлат хариди - товарларни (ишларни, хизматларни) давлат буюртмачилари томонидан пулли асосда олиш⁷, деган таъриф келтирилган.

Ўзбекистон Республикасида давлат ва корпоратив харидларни амалга ошириш турларини 1-расмда кўришимиз мумкин. Харид қилиш тартибини ташкил этиш ва ўтказиш давлат харидлари бўйича ваколатли орган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги) томонидан белгиланади.



1-расм. Давлат ва корпоратив харидларни амалга ошириш турлари⁸

Давлат харидларини амалга оширишда, давлат ташкилотларини фаолияти учун товар (иш, хизмат)лар билан ўз вақтида, керакли миқдорда, турда, сифатли ва мақбул нархларда таъминлашга эришиш учун рақобатни ривожлантириш ва давлат харидларига янада кўпроқ кичик бизнес субъектларини жалб қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни халқаро стандартларга мос ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ундашдан иборат. Фикримизча, давлат харидлари шаффофлик, самарадорлик, қатнашчиларга тенг ва адолатли ёндашиш, ҳисобот

⁵ Бурхонов У.А. Давлат хариди. Ўқув қўлланма. -Тошкент: Infocom.uz 2010 й. 10 -б.

⁶ № 44-ФЗ “О контрактной системе в сфере закупок товаров, работ, услуг для обеспечения государственных и муниципальных нужд”. Российская Федерация. С изм. и доп., вступ. в силу с 01.10.2019 г. Статья 3.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-472-сонли Қонуни. 2018 й. 3-модда. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.04.2018 й., 03/18/472/1050-сон).

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-472-сонли Қонуни асосида муаллиф томонидан тузилган. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.04.2018 й., 03/18/472/1050-сон).

бериш ва жавобгарлик каби тамойилларга асосланган бўлиши зарур. Иқтисодчи олим, профессор Т.Маликовнинг фикрича: “Давлат қонун яратувчи ва уларнинг бажарилишини назорат қилувчи орган ҳисобланар экан, у молиявий тизимни тартибга солиш бўйича тўлиқ жавобгардир”⁹.

Электрон савдо тизими, бир томондан, буюртмачидан тартибга солинадиган лот ҳужжатларини, шартнома тузиш шартларини ва буюртманинг бошланғич (максимал) нархини олади. Бошқа томондан, электрон ва ташкилий операциялар натижасида савдо майдончасида янги нарх, шартноманинг нархи шаклланади.



2-расм. Электрон савдоларда нархларнинг шаклланиши ва ўзгариш механизми¹⁰

Янги нархнинг прогрессивлиги, шартноманинг қиймати етказиб берувчиларнинг рақобат даражасини, уларнинг ишлаб чиқаришнинг ташкилий ва техник даражасини ошириш ва етказиб берилаётган товарлар ва хизматлар нархини пасайтириш имкониятларини акс эттиради. Бозор муносабатлари ва товар (иш, хизмат)ларнинг ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда сотиладиган товар (иш, хизмат)лар нархини шакллантириш ва улардан фойдаланиш, уларни икки йўналишга ажратиш механизмига замонавий концептуал ёндашувларни ифодалайди.

⁹ Маликов Т.С. Молия. Ўқув қўлланма. -Т.: Иқтисод-молия 2018. 169 -б.

¹⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бозор механизми учта босқични ўз ичига олади: товарларнинг бошланғич нархини белгилаш, аукцион савдоларидаги нархларни ўзгартириш, аукцион натижаларига кўра янги нархни (минимал ёки максимал) қабул қилиш ва уни шартномада акс эттириш. Товарлар ва хизматларни ижтимоий мақсадларда сотиш ҳар йили ҳукумат томонидан тасдиқланадиган барқарор нархлардан фойдаланган ҳолда қайта тақсимлаш механизмига асосланади.

Шу ўринда, давлат харидлари давлат бюджети маблағлари билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, бу жараёнда давлат манфаатлари билан бирга, иқтисодиётимиз таянчига айланаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаати тўла инобатга олиниши лозим¹¹.

Диссертация ишининг “Ўзбекистонда давлат ва корпоратив харидлар жараёнининг амалдаги ҳолати таҳлили” номли иккинчи бобида давлат ва корпоратив харидларни амалга ошириш турлари ва хусусиятлари, давлат харидларини электрон савдолар орқали амалга оширишнинг амалдаги ҳолати тадқиқ ва таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур бобда давлат харидларининг динамикаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржасининг ҳисобот ва статистик маълумотлар асосида келтирилган бўлиб, уларни таҳлил қилиш натижасида қатор хулоса ва тавсиялар шакллантирилган.

Бюджет ташкилотлари юқорида келтирилган вазифаларни бажариши учун ўз харидларини давлат ва корпоратив харидларнинг қуйидаги турлари орқали амалга оширадilar.

1-жадвал
Давлат ва корпоратив харидларнинг турлари ва хусусиятлари¹²

Харид тури	Харид предмети	Бюджет буюртмачиси	Корпоратив буюртмачи
Электрон дўкон	товар	25 БҲМ гача	250 БҲМ гача
	иш, хизмат	25 БҲМ гача	25 БҲМ гача
Аукцион	товар	2500 БҲМ гача	5 000 БҲМ гача
Танлов (конкурс)	товар	2500 дан - 6 000 гача БҲМ орасида	5 000 дан - 25000 гача БҲМ орасида
	иш, хизмат	25 дан - 6 000 гача БҲМ орасида	25 дан - 25000 гача БҲМ орасида
Тендер	товар, иш, хизмат	6 000 БҲМ дан юқори	25000 БҲМ дан юқори

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 35 мингдан ортиқ бюджет ва 4,5 мингдан ортиқ корпоратив ташкилотлар мавжуд¹³.

Давлат харидлари соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий мақсади давлат харидларининг барча субъектлари учун қулай бўлган муҳитни шакллантириш,

¹¹ Пулатов Д.Х. Давлат харидларида хусусий секторнинг ҳамкорлиги. // Жамият ва бошқарув // Тошкент 2018 йил. 1-сон, 102-бет.

¹² “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунда белгиланган талаблар юзасидан муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹³ “ЎзРТХБ” АЖ маълумоти.

шунингдек, давлат харидларини амалга ошираётган вақтда коррупция ва бошқа қонунбузарликларга қарши курашиш ҳисобланади. Давлат харидлари давлат секторининг асосий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун зарур бўлиб, ушбу мақсад ва вазифаларга: давлат дастурларини амалга ошириш, давлатнинг ижтимоий вазифаларини бажариш, давлат хизматларини кўрсатиш, давлатнинг бошқа стратегик мақсад ва вазифаларига эришиш, шунингдек, бюджет ташкилотларининг бюджет воситаларини товар (иш, хизмат)лар кўринишида олувчиларнинг эҳтиёжларини қондириш кабиларини мисол келтириш мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, 2015-2018 йилларда бюджет муассасаларининг эҳтиёжларини қондириш учун уларга товарлар (иш ва хизматлар)ни етказиб бериш юзасидан амалга оширилган битимлар 2 триллион 104 млрд. сўмни ташкил этгани ҳолда энг кам битим Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги муассасалари томонидан амалга оширилган, яъни 11807 та шартнома бўйича 28 млрд. сўмлик харидлар амалга оширилган (2-жадвал ва 3-расм).

2-жадвал

2015-2018 йилларда вазирлик ва муассасалар кесимида амалга оширилган давлат харидлари суммаси (1 январь ҳолатига, млрд.сўмда)¹⁴

№	Вазирлик ва муассасалар номи	Амалга оширилган битимлар				
		2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	Жами
1	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги	9,6	12,9	3,2	2,3	28
2	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	70,1	82,6	108,1	72,3	333,1
3	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	29,9	32,6	34,4	28,1	125
4	Сув хўжалиги вазирлиги					
5	Халқ таълими вазирлиги	191,2	190,3	234,3	156,5	772,3
6	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	49,6	45,1	59,8	48,7	203,2
7	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги	131,7	17,2	23	14,2	186,1
8	Бошқа вазирлик ва муассасалар	107,8	116,4	133,2	99,1	456,5
ЖАМИ		589,9	497,1	596,0	421,2	2104,2


Шунингдек, бюджет маблағларининг асосий қисми ижтимоий соҳанинг йирик объектларидан бири бўлган Халқ таълими вазирлиги тизимидаги муассасаларга йўналтирилганлигини кўриш мумкин, яъни 2015-2018 йиллар давомида ушбу муассасалар томонидан жами 872776 та шартнома амалга оширилган бўлиб, ушбу шартномаларнинг суммаси 772,3 млрд. сўмни ташкил этган.

Яъни 2015 йилда 176826 та шартномага асосан 191,2 млрд. сўмлик харидлар амалга оширилган, бу кўрсаткич 2016 йилда 900 млн. сўмга ёки 0,99 фоизга

¹⁴ “ЎзРТХБ” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

камайган, яъни 207418 шартномага биноан 190,3 млрд. сўмлик харидлар амалга оширилган, 2017 йилда ушбу муассасалар томонидан 301658 та шартномага кўра 234,3 млрд. сўмлик харидлар амалга оширилган бу харажатлар 2016 йилга нисбатан 44 млрд. сўмга ёки 23,1 фоизга кўпайган, 2018 йилда бу кўрсаткич 186871 та шартнома бўйича 156,5 млрд. сўмни ташкил қилган, яъни 2017 йилга нисбатан 77,8 млрд. сўмга ёки 66,7 фоизга камайган.

Хулоса қилиб айтганда, давлат харидларига ажратиладиган давлат бюджет маблағларининг асосий қисми Халқ таълими вазирлиги тизимидаги муассасаларга йўналтирилган бўлиб, 2015-2018 йилларда жами 772,3 млрд. сўмни ташкил қилган. Бундан кўриниб турибдики давлат харидлари жараёнини янада такомиллаштириш харидларнинг ошқоралиги ва шаффофлигини таъминлаш бюджет маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланишига хизмат қилади.




3-расм. 2015-2018 йилларда вазирлик ва муассасалар кесимида амалга оширилган давлат харидлари бўйича битимлар сони¹⁵ (1 январь ҳолатига, донада)

Айни пайтда давлат харидлари соҳасида амалга ошириладиган ишлар ва ўтказиладиган тадқиқотларнинг салмоғини янада ошириш, давлат харидлари амалиётини бундан ҳам кенгайтириш ва бу орқали давлат билан хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик имкониятларидан унумли фойдаланиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Ҳар бир соҳада бўлгани каби, давлат харидлари тизимида ҳам қонунчиликка риоя қилиш бўйича мунтазам назорат ўрнатилган, бу эса давлат сектори учун товар (иш, хизмат)ларни харид қилишга йўналтирилган бюджет маблағлари ва бошқа марказлашган манбалардан мақсадли ва оқилона фойдаланишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Қуйидаги 4-расмда давлат харидлари иштирокчиларининг давлат харидлари бўйича электрон харидларда ишироқ этиш босқичлари келтириб

¹⁵ “ЎзРТХБ” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

ўтилган. Махсус ахборот порталида жойлаштирилган эълон, ҳисоб-китоб клиринг палатасининг иккиламчи депозит ҳисоб рақами доирасида буюртмачининг ҳисоб рақамида унинг аванс тўлови мавжуд бўлган тақдирда, автоматик тарзда буюртмачининг буюртманомасига айланади. Савдолар буюртмачининг буюртманомасида баён қилинган талабларни ҳисобга олган ҳолда ўтказилади. Савдоларда қатнашиш учун аккредитациядан ўтган буюртмачилар эълон жойлаштиргунга қадар ҳисоб-китоб-клиринг палатасининг иккиламчи депозит ҳисоб рақами доирасида ўз шахсий ҳисоб рақамларига олдиндан аванс тўловларини ўтказишлари шарт. Аванс тўловларисиз буюртмачиларнинг буюртманомалари жойлаштирилмаган ҳисобланади ва активлаштирилмайди.



4-расм. Электрон давлат харидларида иштирок этиш жараёни¹⁶

¹⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Фикримизча, электрон давлат харидлари - электрон дўкон ва бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион каби махсус ахборот порталининг дастурий-техник комплекси орқали ахборот-коммуникация технологиялари воситасида давлат харидларини амалга ошириш усуллари ҳисобланади.

Электрон тизим эса барча манфаатдор шахслар фойдалана оладиган, харидларни ўтказишни таъминловчи дастурий-техник комплексидадан фойдаланган ҳолда харидлар жараён иштирокчилари ўртасида товар (иш, хизмат)лар хариди учун буюртмаларни жойлаштириш тизимидир.

3-жадвал

2014-2018 йилларда амалга оширилган давлат харидлари тўғрисида маълумот¹⁷

Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2018 йилда 2014 йилга нисбатан ўзгариши, (фоизда)
Давлат харидлари бўйича тузилган битимларнинг ҳажми	млрд.сўм	470,5	497,1	596,1	862,4	1101,9	234,2
Бюджет маблағларининг иқтисод қилиниши	млрд.сўм	117,3	139,8	133,0	136,9	213,7	182,2
Битимларнинг ўртача баҳоси	минг сўм	1794,1	1651,4	1446,1	1634,1	7215,9	402,2

3-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2014 йилда “ЎзРТХБ” АЖ орқали амалга оширилган давлат харидлари бўйича тузилган битимларнинг ҳажми 470,5 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилга келиб, 1101,9 млрд. сўмни ташкил қилгани ҳолда охириги тўрт йилда деярли 2,5 баробарга ёки 234 фоизга ошган. Бунинг сабаби 2018 йилдан бошлаб, давлат харидлари, янги ташкил этилган тизим орқали миллий валютада белгиланган лимитларда амалга оширилган.

Бундан ташқари, юқоридаги жадвал маълумотлари асосида давлат бюджети маблағларининг тежалиши динамикасини кузатадиган бўлсак, 2014 йилда бюджет маблағларининг тежалиши 117,3 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 213,7 млрд. сўмни ташкил қилган ҳолда бу кўрсаткич охириги тўрт йилда деярли 2 баробарга ёки 182 фоизга ортганлигини кузатишимиз мумкин.

Бюджетдан маблағлар олувчи ҳисобланадиган давлат буюртмачиларини аккредитация қилиш биржа томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва биржа маълумотлар базасининг ўзаро электрон алоқа

¹⁷ “ЎзРТХБ” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

тизими орқали автоматик режимда марказлаштирилган тартибда амалга оширилади. Яъни буюртмачи ва етказиб берувчилар аккредитациядан ўтказилади, аккредитация натижалари бўйича биржа:

буюртмачи ва етказиб берувчига тақдим этилган фойдаланувчининг индивидуал тартиб рақамига мувофиқ алоҳида шахсий ҳисоб рақамлари очади. Буюртмачи ва етказиб берувчиларнинг аванс тўловлари ҳисоб-китоб-клиринг палатасининг талаб қилиб олингунгача иккиламчи депозит ҳисоб рақами доирасида ушбу шахсий ҳисоб рақамларида ҳисобга олинади ва блокланади;

савдолар қатнашчиларига персонал кабинет очилади ҳамда уларга амалга оширилган битимлар ва бошқа зарур маълумотлар юборилади.

Қуйидаги 4 жадвалда биз 2014-2018 йиллар давомида “ЎзРТХБ” АЖ орқали амалга оширилган корпоратив харидлар динамикасини кузатишимиз мумкин. Яъни, 2014-йилда “ЎзРТХБ” АЖ орқали амалга оширилган корпоратив харидлар бўйича тузилган битимларнинг ҳажми 350,4 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилга келиб 858,8 млрд. сўмни ташкил қилган. Бу эса, корпоратив харидлар бўйича тузилган битимлар ҳажми охириги тўрт йилда 858,8 млрд. сўмга, яъни деярли 2,5 баробарга ёки 245 фоизга кўпайганини англатади.

4-жадвал

2014-2018 йилларда “ЎзРТХБ” АЖ орқали амалга оширилган корпоратив харидлар тўғрисида маълумот¹⁸


Кўрсаткичлар номи	ўлчов бирлиги	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2018 йилда 2014 йилга нисбатан ўзгариши, (фоизда)
Корпоратив харидлар бўйича тузилган битимларнинг ҳажми	млрд.сўм	350,4	344,3	444,8	364,7	858,8	245,1
Молия маблағларининг иқтисод қилиниши	млрд.сўм	64,1	68,4	95,5	101,5	109,5	170,8
Битимларнинг ўртача баҳоси	минг сўм	20749,5	20717,7	24824,6	27027,1	30618,5	147,6

Шунингдек, жадвал маълумотлари асосида молия маблағларининг тежалиши динамикасини кузатадиган бўлсак, 2014 йилда молия маблағларининг тежалиши 64,1 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 109,5 млрд. сўмни ташкил қилган, яъни деярли 2 баробар ёки 171 фоизга кўпайганлигини кўрсатади.

¹⁸ “ЎзРТХБ” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ушбу маълумотлардан кўриш мумкинки, “ЎзРТХБ” АЖ орқали амалга оширилган корпоратив харидлар ҳажми ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда, бу эса корпоратив ташкилотларнинг фаолиятини такомиллаштиришга ва ушбу ташкилотлар томонидан тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Таъкидлаш жоизки, корпоратив харидларининг ҳажми ортиши билан бир қаторда замонавий электрон харидларда молия маблағларининг тежалишига ҳам эришилмоқда.

Юқорида келтирилган маълумотлардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржаси орқали 2014 йилдан 2018 йилгача бўлган муддат оралиғида амалга оширилган электрон харидлар динамикасини куйидаги расмда кўришимиз мумкин (5-расм).



